

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

НУРМАТОВА ГЎЗАЛ ХАКИМОВНА

**ANTCONC VA GRAPHCOLL ДАСТУРИЙ ҚУРИЛМАЛАРИДА
МУҲАНДИСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ КОРПУСДА
ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАДҚИҚ МУАММОЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

НУРМАТОВА ГЎЗАЛ ХАКИМОВНА

AntConc ва GraphColl дастурий қурилмаларида муҳандислик
терминларининг корпусда лингвостатистик тадқиқ муаммолари.....3

NURMATOVA GUZAL HAKIMOVNA

Problems on Corpus-Based Linguo-Statistic Study of Engineering Terms with
application of AntConc and GraphColl Software Tools.....19

НУРМАТОВА ГЎЗАЛ ХАКИМОВНА

Проблемы лингвостатистического исследования инженерных терминов в
корпусе с применением программных оборудований AntConc и
GraphColl.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ39

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

НУРМАТОВА ГЎЗАЛ ХАКИМОВНА

**ANTCONC VA GRAPHCOLL ДАСТУРИЙ ҚУРИЛМАЛАРИДА
МУҲАНДИСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ КОРПУСДА
ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАДҚИҚ МУАММОЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil312 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида «Ziynet» (www.ziynet.uz) ва www.fdu.uz) ахборот-таълим порталларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмуд Равшанов
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимов Муҳаммад Ҳўжахонович
филология фанлари доктори, профессор

Усмоғжон Раҳимов
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги DSc.03.30.12.2019 Fil.05.02 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг 2021 йил «6» июль соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19.

Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01 e-mail: info@fdu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. Диссертация (124 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2021 йил «9» июнь кuni тарқатилди.

(2021 йил «23» июнь даги 32 рақамли реестр баённомаси).



А.А. Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М. Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиб, филол.ф.д., доцент

А.Б. Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш Кошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида илм-фан, ишлаб чиқариш, техника ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда, муҳандислик соҳаси атамаларининг динамик ривожланиши ҳамда турли соҳа фанлар билан тадқиқот доирасида кесишиши, унинг лексик қатламини тилшуносликнинг ривожланиб келаётган йўналишларидан бири - корпус лингвистикаси доирасида компьютер технологиялари ёрдамида лингвоквантитатив ва лингвоквалификатив, лингвистик ва статистик таҳлилларни амалга оширишда, нутқий бирликларни катта ҳажмли табиий тил манбаларидан автоматик қайта ишлашда, лингвистик базаларни яратишда катта аҳамиятга эга бўлиб, тилшуносликнинг тараққиёт истиқболлини белгилаш билан бирга, янги илмий масалаларнинг амалга ошувига сабаб бўлмоқда. Шу сабабдан ҳам корпус лингвистикасининг тадқиқот йўналишларидаги асосий параметрлар аниқ бир йўналишга бўйсиндирилиши лозим бўлади.

Дунё тилшунослигида соҳа терминларини илмий жиҳатдан ўрганилиши тилшуносликнинг ривожланиб келаётган йўналишларидан бири – корпус лингвистикаси доирасида кўплаб илмий кузатишлар олиб боришга, тилшуносликнинг тараққиёт истиқболлини белгилаш билан бирга янги илмий масалаларнинг амалга ошувига сабаб бўлмоқда. Бунда муайян тилнинг табиатидан ва қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, муҳандислик терминларини корпусда компьютер дастурлари ёрдамида таҳлил қилиниши тилшунослик ва компьютер, тилшунослик ҳамда статистика каби бир-бирини тўлдирувчи соҳаларнинг натижаларини ўрганишга ва қўллашга, шу кунгача терминларни анъанавий усул илмий изланишлари билан чекланиб қолаётган таҳлиллар доирасини кенгайтиришга, муҳандислик терминларини барча услублар асосида таҳлил этишга имкон беради.

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасидаги қабул қилинган ислохотлар амалга оширилиб, жаҳон андозаларига мос мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиб, мамлакатимиз учун илм-фан борасида, айниқса, STEM (Science-фан, Technology-технология, Engineering-муҳандислик, Mathematics-математика) соҳаларида ҳамда шу соҳаларда илмий изланишлар ва инновацияларни татбиқ этишда, ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш мақсадида инглиз тилидаги муҳандислик соҳа терминларини тадқиқ қилиниши тилшунослик олимлар учун муҳим вазифаларни белгилайди. Шу сабабдан муҳандислик соҳасидаги замонавий терминларни компьютер дастурлари ва технологиялари ёрдамида тадқиқ қилиш ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда муҳимдир. Бинобарин, соҳа, тил ва компьютер технологияларининг кўникмаларини мукамал эгаллаган мутахассис кадрларни тайёрлаш каби муҳим вазифалар турар экан “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларни эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан

бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”¹. Шундай экан тадқиқот олиб борилаётган соҳа замонавий илм-фан ривожини сифатида қаралгани боис, уни мамлакатимиз тараққиёти йўлида салмоқли ўзлаштириш бугунги кун талабини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 18 июлдаги ПҚ–3138-сон “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 17 июндаги ПҚ–4358-сон “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёраш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳа терминология тадқиқотининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган тадқиқотларга кўплаб рус ва ўзбек олимларининг ишларини келтиришимиз мумкин. Чунончи, А.А.Реформаторский, Д.С.Лотте, В.М.Лейчик, В.В.Виноградов, В.В.Гринев, С.Д.Шелов, Л.А.Пекарская (Россия); О.С.Ахмедов, С.Х.Нурматова, Д.Х.Кадирбекова (Ўзбекистон) сингари тадқиқотчиларнинг ишлари шулар жумласидандир². Шу ўринда замонавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – President.uz сайти, 2020 йил 24 январь. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>[мурожаат санаси: 17.02.2020]

²Реформаторский А.А. Термин, как член лексической системы языка. // Проблемы структурной лингвистики. М., 1968. – С. 103-106.; Виноградов В.В. Лексикология и лексикография: Избр. тр. – М., 1977 –С.310.; Пекарская Л.А. Разграничение терминов языка и термина речи. Термины в языке и речи. Межвусовский сборник. Горький: Изд ГГУ им. Л.И. Лобачевского, 1984, -С. 114.; Лотте Д.С. Очередные задачи технической терминологии // История отечественного терминоведения: классики терминоведения. Т. 1. – М., 1994; Гринев С.В. Введение в терминографию. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: 1995.; Лейчик В.М. Терминоведение. М.: Либроком, 2009. -С.7.; Шелов С.Д. Ещё раз об определении

корпус лингвистикаси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар, асосан, хорижий тилшуносларнинг тадқиқотлари, чунончи, Мак-Энери, П.Бейкер, С.Ханстон (Буюк Британия), Дж.Беннет, Д.Байбер (АҚШ), Р.Кришнамурси (Хиндистон), И.Косем (Туркия), Хуи-Хсиен Фенг (Тайван) ишлари шулар жумласидандир³. Ўзбек тилшунос олимларининг компьютер лингвистикасида олиб борган ишлари М. Абдиев, М.Айымбетов, С.Ризаев ва С.Мухамметов, Д.Б.Ўринбаева, Н.З.Абдурахмонова, М.А.Абжалова ҳамда корпус лингвистикасида Ш.М.Хамроева, У.Нурмухаммедовларнинг илмий изланишлари диққатга сазовордир⁴.

Соҳа терминларининг корпус лингвистикаси доирасидаги тадқиқи, Европа, Америка ва Узоқ Шарқ олимларининг, чунончи, В.П.Захаров, О.Мудрая (Россия), М.Коттер (Буюк Британия), М.Утияма (Япония), А.Лоренс (Япония), тилшуносликнинг турли аспектларида амалга оширилганини кўриш мумкин⁵. Бироқ ўзбек тилшунос олимларининг бу

понятия «Термин». Лингвистика: Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. 2010, № 4 (2). –С.795-799.

Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астроавиокосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков. Филол. фан. фалс. док. ...дис. – Т., 2000. –Б.142-157.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. Док. ...дис.автореф. –Т.: 2016. –Б.27; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. фалс. док. ...дис. – Т., 2017. –Б. 18-27.

³Biber D. “Representativeness in corpus design”. *Literary and Linguistic Computing* 8/4: 243-257. 1993.; P. Hunston *Corpora in Applied Linguistics: Cambridge University Press*, 2002. –Pp. 234.; Mc Enery T., Xiao R., Tono Y. *Corpus-based language Studies*. –NY: *Routledge Applied Linguistics*. 2006. Pp. 386.; Baker P., Hardie A., McEnery T. *A Glossary of Corpus Linguistics*. Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006. 192. P.50.; Baker P., Hardie A., McEnery T. *A Glossary of Corpus Linguistics*. Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006. –P. 92, 192.; Krishnamurthy R.,Kosem I. Issues in creating a corpus for EAP Pedagogy and Research.*Journal of English for academic purposes*, 2007 (6) , P.356-373. www.elsevier.com/locate/jeap; G.R. Bennett. *Using Corpora in the Language Learning Classroom: Corpus Linguistics for Teachers*. USA: The University of Michigan Press, 2010. –P.134.; Hui-Hsien Feng. *Designing, implementing, and evaluating an automated writing evaluation tool for improving EFL graduate students’ abstract writing: A case in Taiwan: Dissertation for degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Applied Linguistics and Technology*. – Iowa State University, 2015. –Pp.194.

⁴Мухамедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1980. –С.25.; Бектаев К.Б, Пиотровский Р.Г. Математическая лингвистика. – М.: Высшая школа, 1997. – 420 с.; Айымбетов М.К. Проблемы и методы квантитативнотипологического измерения близости тюркских языков (на материалах каракалпакского, казахского и узбекского языков): Автореф.дисс. ...д-ра филол.наук. –Т., 1997. –С. 47.; Нурмухаммедов У. *An Evolution of Collocation Tools for Second Language Writers: Dissertation for degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Applied Linguistics*. – Northern Arizona University, 2015. Pp. 268; Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2008. – Б.50.; Ўрибаева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. фан. д-ри(DSc). ... дисс. автореф. –Самарқанд, 2019. –Б.73.; Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларда ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (сода гаплар мисолида): Филол. фан. Док. ...дис.автореф. –Т., 2018. –Б.49; Абжалова М.А. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (Расмий ва илмий услубдаги матлар таҳрири дастури учун); Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. –Фарғона, 2019. – Б.49.; Хамроева Ш.М. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол. фан. Док. ...дис.автореф. –Қ., 2019. –Б. 52.;

⁵Митрофанова О.А., Захаров В.П. Автоматизированный анализ терминологии в русскоязычном корпусе текстов по корпусной лингвистике. Доклад *СПбГУ: РАН* По материалам ежегодный Международной конференции “Диалог” 2003 г. Т., 7(14). С. 368-375. <http://www.dialog-21.ru/digest/dialog2008/materials/html/57.htm>; Cotter M.J. *Teaching terms: a corpus-based approach to terminology in ESP classes*. Lisbon School of Accountancy and Administration (ISCAL) (Portugal). Pp. 499-506. P.501.;Mudraya. O., *Engineering English: A lexical frequency instructional model. English for Specific Purposes*. 2006. 25 (2), - P.235–256.; Chujo, M. Utiyama. *Selecting level-specific specialized vocabulary using statistical measures*. 006

масалаларга қаратилган тадқиқотлари ҳали мукамал эмаслиги ва бу соҳадаги тадқиқот доирасини кенгайтиришни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўзбек, рус, ингиз тилларидаги дарслик, қўлланма, луғат ва энциклопедияларга мурожаат этилди⁶. Корпус тадқиқотларига мўлжалланган В.Брезинанинг ҳамда тилшунос олимлар томонидан яратилган LancsBox ва GraphColl (Буюк Британия), А.Лоренсинг AntCorGen ва AntConc (Япония), А. Килгариф, Вит Байса, Ж. Буста, М.Якубичекларнинг Sketch Engine дастурий қурилмаларидан фойдаланилди⁷. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида, юқорида номлари саналган жаҳон ва ўзбек тадқиқотчиларининг изланишлари таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат кончилиқ институтининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли илмий-тадқиқот ишлари режасига асосан “Тил назарияси ва ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корпусда замонавий муҳандислик терминларини ва уларнинг хусусиятларини намоён этишда махсус дастурий қурилмаларда лингвостатистик таҳлиллар ёрдамида автоматлаштирилган статистик-интеллектуал моделини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ОТМларида муҳандислик йўналишларини камраб оладиган лисоний ўранувчилари учун UzEEE инглиз тилидаги асосий муҳандислик терминлари номли корпусини шакллантириш;

дастурий таъминотлар ва лингвостатистик усуллар ёрдамида муҳандислик терминларини корпусда аниқлаш ва ажратиб олиш механизмларини ишлаб чиқиш;

муҳандислик терминларининг корпусда лингвоквантитатив ва лингвоквалитатив таҳлилларини амалга ошириш;

Elsevier Ltd. System 34, 2006. P.255–269. URLs: <http://www5d.biglobe.ne.jp/~chujo> (K. Chujo), <http://www2.nict.go.jp/jt/a132/members/mutiuyama> (M. Utiyama); Laurence A., Bowen M.. The Asian ESP Journal Special Edition, Volume 9, Issue 2, 2013, p. 2-25. Krishnamurthy R., Kosem I. (2007). Issues in creating a corpus for EAP Pedagogy and Research. *Journal of English for academic purposes*, 6, P.356-373. www.elsevier.com/locate/jeap.

⁶ Реформаторский А.А. “Введение в языкознание” –Москва: Аспент Пресс, 1996. –С 62.; Oxford English Reference Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, 2003. P.723.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т., 2006-2007. –1–4 жилд. -663 б.; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003–№ 6.-199 б.; D. Crystal. The Cambridge Encyclopedia the English Language. –Cambridge: Cambridge University Press, 2003. 119-120, 372-373.; Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика.–М.: Восток-Запад, 2007. –317 с.;Baker P., Hardie A., McEnery T. A Glossary of Corpus Linguistics. Edinburgh: EdinburghUniversityPress, 2006. 192; Нанотехнологияларга оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: “Niso Poligraf”, 2016. –Б.392.

⁷Adam Kilgariff, VítBaisa, Jan Busta, Milos Jakubícek, Vojtech Kovar, JanMichelfeit, pavel Rychly, Vít Suchomel (2014): The Sketch Engine: ten years on. *InlexicoGraphy* 1(1): 7-36. DOI: 10.1007/s40607-014-0009-9. ISSN 2197-4292www.sketch engine.com.Brezina et.al. (2015). GraphCol. (Version 1.0.0) [Computer Software], Lancaster, UK: Lancaster University. Available from http://corpora.lancs.ac.uk/stats/data/LOB_genres.zip; Anthony, L. (2019).AntCorGen (1.1.2) [Windows 64-bit]. Tokyo, Japan: Waseda University. Available from <https://www.laurenceanthony.net/software>;

корпус таҳлиллари асосида муҳандислик терминларининг хусусиятларини очиб бериш;

муҳандислик соҳасидаги замонавий терминлар базасини шакллантириш;

соҳа терминларини ажратиб олишда автоматлаштирилган статистик-интеллектуал моделини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида муҳандислик терминлар, бирикма ва коллокациялар танланган.

Тадқиқотнинг предметини корпус лингвистикаси доирасидаги кузатишлар ва амалий лингвистика таҳлиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда корпус, контент таҳлил, таснифлаш, қиёслаш, лингвостатистик, математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

UzEEE номли инглиз тилидаги асосий муҳандислик терминларни қамраб олувчи ихтисослаштирилган корпус (*specialized corpus*) AntCorGen компьютер дастури ёрдамида шакллантирилган ва уни амалда қўллаш механизми илмий-назарий далиллар асосида исботанган;

Sketch Engine, AntCorGen ва AntConc, #LancsBox (GraphColl) дастурий қурилмаларининг ишлаш механизмлари асосида муҳандислик терминологик бирикмалар ва терминологик коллокацияларни корпусда боғланиш хусусиятларини очиб беришда махсус *MI*, *Log likelihood*, *Dice*, *Delta P* статистик ўлчовлари аниқланган;

шакллантирилган корпуснинг ҳар бир доменида AntConc ва GraphColl дастурий қурилмаларининг статистик ўлчовлари ёрдамида муҳандислик термин, терминологик бирикма, терминологик коллокацияларни намоён этувчи *навигацион лингвистик сигналлар* ҳамда уларнинг лингвистик хусусиятларини аниқлайдиган *олтита ишлаб чиқилган навигатор шаблонлар* асосида тўлиқ далилланган;

терминологик бирикмалар ва терминологик коллокациялар корпус лингвистикасида квантитатив ҳамда квалификатив усуллар тўлиқ автоматлаштирилган моделининг яратилишига асос бўладиган имкониятлар ўз илмий тавсифига эга бўлди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

автоматлаштирилган статистик-интеллектуал модель механизмлари тилнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзга тил хусусиятларига кўра бошқа соҳа терминларини аниқлаш мақсадида ижобий татбиқ этилган;

Sketch Engine, AntCorGen ва AntConc, #LancsBox (GraphColl) дастурий қурилмалари терминология соҳасига ижобий татбиқи масаласи илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган;

корпусда соҳавий терминларнинг лингвостатистик усуллар асосида намоён бўлишини очиб берувчи моделлар тадқиқотда кенг қўлланилган;

лингвостатистик усул асосида фойдаланувчилар учун “An English-Uzbek-Russian, Uzbek-Russian-English and Russian-Uzbek-English Dictionary of the Most Frequently Used Mining Terms” (“Кончилик саноатида энг кўп

қўлланиладиган инглизча-ўзбекча-русча, ўзбекча-русча-инглизча ва русча-ўзбекча-инглизча терминлар луғати”) луғати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалнинг асосли эканлиги, методологиянинг мукамаллиги, муаммонинг аниқ баён қилиниши, ихтисослаштирилган корпусни шакллантиришда ва корпус дастгоҳларини қўллашда ишончли манбаларга таянганлиги, эмпирик тадқиқотда қўлланиладиган ёндашувлар ва усулларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот лисоний корпуслар яратиш ва уни мукамаллаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикасининг муайян йўналишларига доир методологик назарияларни таҳлил қилишга, корпус лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар олиб боришда илмий-назарий манба сифатида хизмат қила олиши, шунингдек, яратилган махсус модель бошқа соҳа терминларини лингвистик хусусиятларини намоён қилиш мақсадида тадқиқ қилиш ҳамда Ўзбекистон муҳандислик йўналишли ОТМлари ва муҳандислик йўналиши мавжуд бўлган ОТМ ўрганувчиларнинг соҳавий билимларини инглиз тилида ўзлаштириш ҳамда тил билиш даражасига мос тушадиган дарслик, қўлланма, намунавий дастур, ишланма материаллар яратиш, махсус экспериментал корпусларни яратиш ва мавжуд корпусларни қўллаш бўйича ҳам илмий-назарий, амалий намуна мақсадида самарали фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти корпус лингвистикаси амалиётида муҳим манба бўлиши, тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлари учун “Компьютер лингвистикаси”, “Корпус лингвистикаси”, “Тил назарияси” фанлари бўйича маърузалар ўқиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, луғатлар тузиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муҳандислик терминларининг корпусдаги лингвостатистик тадқиқи асосида:

“Кон саноатида энг кўп қўлланиладиган инглизча-ўзбекча-русча, ўзбекча-русча-инглизча ва русча-ўзбекча-инглизча терминлар луғати”да корпус лингвистикаси тадқиқи юзасидан манбалар ва материаллар муҳандислик терминлари, терминографияси, терминологик майдон ва терминологик тизим (система) уйғунлаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги №002432-сон гувоҳномаси). Натижада инженерлик терминологияси ва терминографиясининг кон-геология соҳасида фойдаланиш асослари мукамаллашган;

компьютер қурилмалари ёрдамида ихтисослаштирилган корпус (specialized corpus) тузиш ва уни механизмларини амалда қўллашга оид назарий тавсияларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “Navoiy” телеканалининг муҳандислик терминларининг ўзбек тилида ишлатилиши борасида фикрлар шарҳи “Давлат тили – миллат ғурури” ҳамда “А.Навоий мероси” кўрсатувларида Навоий вилоят

телерадиокомпанияси 2020 йил 10 ноябрдаги №01-02/116-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материаллар мазмуни маърифий ва амалий жиҳатдан бойитилиб, илмий далиллар билан таъминланган;

AntConc ва GraphColl дастурий қурилмаларининг статистик ўлчовлари ёрдамида муҳандислик термин, терминологик бирикма, терминологик коллокацияларни намоён этувчи навигацион лингвистик сигналлар ҳамда уларнинг лингвистик хусусиятларини аниқлайдиган навигатор шаблонлар Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” орденли “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг Ўқув марказида муҳандис ва ишлаб чиқариш соҳа мутахассисларига соҳавий инглиз тилини ўргатишда дастурий қурилмалари ёрдамида дастур ва ўқув материаллари тузишда фойдаланилган (НКМК 2020 йил 14 декабрь №2907/213-сон маълумотномаси). Натижада махсус дастурлар ёрдамида танланган мавзулар, материаллар, соҳага доир лексика ва терминлар НКМК ўрганувчилари томонидан самарали ўзлаштирилган;

автоматлаштирилган статистик-интеллектуал моделининг механизмлари Навоий давлат кончилик институтида яратилган “Семиотика ва тил бирликлари хусусиятлари” номли монографияда корпус лингвистикаси, сунъий тилларнинг функционал ҳолатларини тавсифлашда, татбиқий ва компьютер лингвистикалари, фан йўналишларида, шунингдек, ахборот сунъий тиллар шаклланиш хусусиятларига оид манбаларнинг ёритилишида фойдаланилган (Навоий давлат кончилик институтининг 2020 йил 10 ноябрдаги 1-04/2455-сон маълумотномаси). Натижада монографиядаги тавсифий материаллар ишлаб чиқарилди ҳамда таълим тизимида уларнинг амалий аҳамияти чуқурлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та терминологик луғат, 1 та интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳнома, 1 та ўқув қўлланма (ЎВМнинг нашр рухсатномаси), 1 та ўқув қўлланма (ҳаммуалифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та мақола, улардан 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 200 компьютер саҳифасини ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муҳандислик терминларнинг корпусда лингвостатистик тадқиқи бўйича замонавий лингвистик қарашлар: назарий аспект”** деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, корпус лингвистикаси ва муҳандислик терминологияси бўйича замонавий лингвистик қарашлар ва муаммолари ёритилган.

Корпус лингвистикасининг тарихи корпусли тадқиқотларни амалга оширишда компьютер воситалари мавжуд бўлмаган даврдан - фан сифатида КЛ 1970 йилларнинг охирида шаклланиб, электрон корпусларнинг кириб келишидан олдин унинг асосида ривожланган усуллари эса XIII асрадаёқ маълумлиги⁸ ва замонавий тадқиқотлар учун компьютерга киритилган катта ҳажмли табиий тил материални ва нутқни янги ракурсда ўрганилишигача - корпус таҳлиллари матн ва ундаги маълумот тури ва корпусда матн таҳлилида статистик маълумотнинг ўрни ҳақида, бунда тил (потенция) ва ундан келиб чиқадиган маҳсулот нутқ (реализация) бўлишига кўра, нутқдан тилга қараб⁹ - квантитатив анализдан квалификатив анализга ўтилиши ҳамда объектографик маълумотлар турига кўра¹⁰, хусусан, муҳандислик соҳасидаги терминларни корпусда фарқлаш мақсадида статистик маълумотларнинг аҳамияти ҳамда диссертацияда лингвистик моделлаштириш ва амалий лингвистика юзасидан берилган тавсиялар айнан шу муаммолар ечимига қаратилганлиги билан илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мазкур бобнинг **“Корпус ва корпус лингвистикасининг тадқиқ муаммолари: талқин ва тасниф”** деб номланган биринчи бўлимида КЛнинг тараққиёт босқичлари компьютер лингвистикаси ва корпус лингвистикасининг фарқи, аммо бир-бирини тўлдирадиган соҳаларда компьютер лингвистикаси маълумотнинг лингвистик асосларини компьютер дастурлари ёрдамида тил ва фикрлаш боғланишларини

⁸Солнышкина М.И, Гатиятуллина Г.М. История развития корпусной лингвистики (на примере англоязычных корпусов) // Вестник Томского государственного университета. Филология, 2020. -№ 62.- С. 132-155.

⁹Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика: Учебное пособие. Москва: АСТ: Восток-Запад. 2007. – 317. - С. 233.

¹⁰Master P. English Grammar and Technical Writing, the Official English language program of the United States Department of State, 2004. -Pp.33, 76, 140, 186.

моделлаштириш¹¹ ҳамда машина таржимаси, дастурлаш, моделаштириш каби лингвистик операцияларни амалга оширишда бу жараёнлар тизимли ва манзилли асосларда ўзбек тилшунослигига ҳам босқичли киритилмоқда. Ўзбек ва туркий тилшуносликда М.Айимбетов, С.Ризаев ва С.Муҳаммедов, Ҳ.Орзиқулов, Ҳ.Сайидкулов, М.Нушаров, Б.Турсунов, А.Бушуй, Т. Бушуй, Ш.Сафаров, А.Маматов, М. Маматов каби олимларнинг ҳиссаси катта.

Корпус ва КЛ борасида мулоҳазалар В.П.Захаров ва С.Ю.Богданова, А.Н.Баранов, Л.Л.Нелюбин, О.П.Крюкова, Р.Г.Пиоторовскийлар фикр ва қарашлари асосида ёритилган ҳамда ўзбек ва туркий тилшуносликда М.Айимбетов, С.Ризаев ва С.Муҳаммедов, Ҳ.Орзиқулов, Ҳ.Сайидкулов, М.Нушаров, Б.Турсунов, А.Бушуй, Т.Бушуй, Ш.Сафаров, А.Маматов, М.Маматов каби олимларнинг компьютер лингвистикасининг асосчилари сифатида, хорижий тилшунослардан КЛда У.Френсис, Г.Кучер, Дж.Лич, Дж.Синклер, Р.Квирклар КЛнинг асосчилари сифатида келтирилган.

КЛнинг анъанавий лингвистикадан фарқи ва ўхшашликлари борасида анъанавий тилшуносликдаги ёндашувда тил фактлари доминант бўлса, корпус, умуман, татбиқий лингвистикада (корпус ва компьютер лингвистикаларида) нутқ жараёнида шаклланиши тадқиқот доирасида ўрганилганда тил ва нутқ дихотомиясига асосланган фикрлар фақатгина структуралист Ф.де Соссюр таълимоти асосида ёритилиши тавсифланган. Кейинги йилларда тил ва нутқ дихотомияси бўйича ўзбек тилшунослигида, Ҳ.Неъматов, О.Бозоров, М.Ҳакимов, Р.Расулов ҳамда кейинги даврда тил ва нутқ дихотомиясида тадқиқот олиб борган олимлар, Т.Бушуй, Ш.Сафаров, Н.Турниязов, Х.Хайруллаев ишларида қисман бўлсада мавжуд.

Ушбу қиёслашда лингвистика инсон фойдаланадиган табиий тили ва унинг семантикаси ҳақидаги фан бўлса, КЛ эса лингвистиканинг ўша тилдаги нутқнинг асл кўринишини компьютер воситалари орқали бевосита ва билвосита акс эттирадиган лингвистиканинг барча йўналишлари орасидаги ягона бир оқимдир.

“Муҳандислик терминларнинг замонавий тилшуносликда тадқиқи ва вужудга келадиган айрим илмий муаммолар” деб номланган иккинчи бўлимида термин ва терминологиянинг умумназарий муаммолари О.Д.Мешков, А.И. Крылов, Е.С.Кубрякова, М.Д.Степанова, В.М.Антонова, В.М.Лейчик, П.В.Царёв каби тилшуносларнинг, жумладан, ўзбек тилшунослигида, А.Ҳожиёв, М.Ҳакимов, М.Муккаррамов, Н.Маҳкамов, Р.Дониёров, Б.Бафоев, Э.Умаров, М.Абдиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган бўлса-да, муҳандислик терминининг дефиниция фарқини аниқлаш, яъни айнан муҳандислик доирасини регламентлаштириш жараёни учун муҳандислик соҳасининг бошқа соҳалар кесишмасида ривожланиши, ҳозирги кунда бу соҳада илмий ва инновацион ўзгаришларнинг пайдо бўлиши асосида замонавий муҳандислик

¹¹Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. –М.: Восток-Запад, 2007. –С. 36 –317.

терминларини терминология, терминшунослик ва терминографияни бирлаштирувчи лингвистик аспектлар кесимида таҳлил қилинишига кўра муҳандислик терминининг таърифи мукамаллаштирилган.


МТларини корпусда систем таҳлил қилинишининг бугунги динамик ва эволюцион ривожланиш омилларини ҳисобга олиб, янгича – корпусга асосланган тематик гуруҳларга ажратиш имкониятлари ҳақида бунда, аввало, муҳандислик терминларининг эволюцион ривожланишида қандай соҳалар билан боғлиқлигини ва бугунги кунда қандай соҳалар билан кесишиши кўриб чиқилган. Муҳандислик терминологик ва терминографик соҳасининг типологик ҳамда генетик хусусиятлари Фарбда ва Шарқда фарқланиши ҳар бир давр ва ҳар бир давлат цивилизациясининг эволюцион ривожланиши билан боғлиқлиги илмий ва техник фундаментларга асослангани боис илмий ва техник терминлар борасидаги тилшуносларнинг фикр-мулоҳазалари кўриб чиқилди. Г.С.Шипованиннг фикрига кўра, техник терминларининг “соҳа техникаси” тушунчаси орқали унинг асосий мағзини, яъни маъносини технологик жараён ташкил қилади” ва ҳар қандай соҳа терминлари учта йўналишда: 1) жараён/процесснинг термини; 2) жараён/процесс олиб борилаётган аппарат термини; 3) аппаратда ишлатиладиган материал ёки маҳсулот номи термини каби гуруҳларга бўлинади. В.Виноградов эса, агар сўз бирон бир предметнинг маълум бир белгисини билдириб, унинг номинатив ва дефинитив функцияларини бажарса, у ҳолда у илмий терминдир ва С.Д.Шелов эса ҳар қандай техник термин маълум бир илмий фундаментга асосланишини таъкидлаган.

Ушбу талқинлар муҳандислик терминларининг нафақат бир соҳада, балки бошқа соҳалар кесишмасида эволюцион ва илмий-техниканиннг ривожланиши ҳамда муҳандислик соҳасидаги илмий ва инновацион ўзгаришларнинг пайдо бўлиши асосида, янги ва замонавий муҳандислик терминларининг пайдо бўлиши уларни янги информацион массивларда тадқиқ қилиниши МТларини корпусда тизимлаштирилиши янгича ёндашувда кўриб чиқиш имкониятини беради. Муҳандислик терминларининг корпусда мавзуй гуруҳларини тизимлаштиришда Ўзбекистон муҳандислик ОТМларининг йўналишларига мос тушувчи махсус AntCorGen дастурий таъминот ёрдамида 12 доменли Essentials of Engineering English for Uzbekistan Engineering Universities (UzEEE) номли корпус шакллантирилди.

“Терминларнинг маълумот турларида учраши ва статистик таҳлилларда фарқланиш хусусиятлари” деб номланган учинчи бўлимида терминларни матн турларида корпусда аниқланиш масаласида уларни статистик таҳлиллар ёрдамида фарқланиш масалалари матнда объектографик маълумотлар базаси матн ва нутқни ифодаланиш шаклида нутқдан тилга қараб (корпус лингвистиканиннг хусусиятларидан бири) квантитатив анализдан квалификатив анализга ўтилиши кузатилади. Терминларнинг маълумот турларида учрайдиган хусусиятларини илмий услубдаги лексик birlikларнинг грамматик қодалар асосида қўллашда

илмий ва техник сўзлар қандай маълумот турларига кўра танланганлиги ва илмий-техник лексикасининг қандай маълумот турларига кўра ажратиб олинганлигини аниқланган ва шу асосда матн таҳлилида статистик маълумотларнинг ўрни потенциал кўрсаткич тил ва ундан келиб чиқадиган маҳсулот (реализация) нутқ бўлсада, онтология бўйича, бу схема тескари, яъни нутқ (бизнинг тадқиқотимизда матндан) тилнинг конкрет маҳсулоти бўлганлиги боис нутқдан тилга қараб ишлаши ва бевосита лингвистиканинг кузатув объектига айланиши тўғрисидаги рус ва хорижий П.Мастер, Ю.Марчук, Л.Пекарская, Ю.Тулдаева, Б.Головин ва ўзбек М.Умархўжаев, Р.Расулов, Ҳ.Неъматов, О.Бозоров, Н.Турниязов, Х.Хайруллаев, айниқса, жаҳон тилшунослари назари тушган Д.Ўринбаеваларнинг фикрлари асосида кўриб чиқилди.

Диссертациянинг **“Муҳандислик терминлари корпусини шакллантириш омиллари: мезонлар, босқичлар, материал, дастурий таъминотлар”** деб номланган иккинчи бобида корпусни шакллантиришда унинг аҳамиятини ва салмоғини орттириш ва эришилган натижалар кенг кўламдаги истеъмолчиларга етказиш мақсадида маълум мезонлар, босқичлар ва материаллар танланди ва шарҳланди. Т.Мак Энери ва Р.Ксиаоларнинг фикрларига кўра, корпусни шакллантиришда унинг асосий мезонлари – *репрезентативлик, баланс, намуналар, салмоғи* ҳисобга олинди ҳамда махсус доменли ва жанрли ихтисослаштирилган UzEEE корпуси шакллантирилди. Ушбу корпуснинг шакллантирилиши *бешта босқич*: Ўзбекистонда 22 та муҳандислик йўналишли, 12 та муҳандис соҳасига йўналтирилган, 8 та муҳандислик соҳасига турдош ОТМлар, жами 91 та ОТМдан 42 таси аниқланиб, иккинчи босқичда танланган ОТМ номи ва йўналишлари AntCorGen дастурий қурилмадаги муҳандислик йўналишлари билан таққосланди ва Ўзбекистондаги асосий муҳандис мутахассисларни тайёрлайдиган ОТМ лар йўналишларини қамраб олувчи 12 та муҳандислик йўналишлари танланди. Учинчи босқичда эса *PLOS ONE* электрон базасидаги журналининг импакт фактори, муҳандислик соҳалари ва мақолалар сони ўрганилди ҳамда тўртинчи босқичда лингвистик таҳлилларни амалга ошириш учун мақолаларнинг керакли қисми аниқланди (кейинчалик улар математик усулда текширилди). Сўнгги босқичда UzEEE корпусини доменлари сифатида 12 та муҳандислик йўналишларини AntCorGen дастури ёрдамида ажратилди (расм 1).



1-расм. Корпусни йиғиш жараёни тавсифи


Мазкур бобнинг “Муҳандислик корпуси материаллари: танланиши ва шарҳланиши” деб номланган иккинчи бўлимида корпус материали учун корпус домени ва жанри корпуснинг репрезентативлигини белгилашда *PlosOne* параметрлари айнан ихтисослаштирилган корпуснинг тамойилларига тўғри келиши аниқланди. Ўз ўринда танланган материал асосида терминнинг мавқеини аниқлашда Дж.Пеарсоннинг аудиторияга йўналтирилганлик, яъни мулоқот шароитини яратадиган (communicative setting) хусусиятга эга бўлиши ҳамда *PlosOnening* муҳандислик соҳасининг кенг қамровли доменга ва кенг қамровли аудиторияга мўлжалланганлиги, мақолаларнинг ёзиш талаблари IMRD жаҳон стандартларидан келиб чиқиб, сўзларнинг зичлигини лингвистик ва стилистик хусусиятлари мақоланинг кириш қисмида акс этиши, терминларнинг аннотацияда ва кириш қисмларида учраш эҳтимоллари математик усулда:

$$P = \frac{m}{n}$$

бу ерда P – учраш эҳтимоли; m – терминлар сони; n – корпусдаги токенлар (сўзлар сони);

ва терминларнинг бирикув частоталарининг учраш эҳтимоли GraphColl дастурий қурилмасида Delta P (Delta P статистик ўлчови GrphColl дастурий қурилмасида ўзак ва бирикув сўзнинг контентдаги бирикув қийматини аниқлаб беради) статистик ўлчови ёрдамида аниқланди (2-расм).

Span: 5 <-> 5
Types: 19 / 2950
Tokens: 14208
Stat: 01 - Freq



2-расм. GraphColl дастурий қурилмасида терминлар боғланишининг визуализацияси

Ушбу визуализация терминнинг боғланиш (коллокацияланиш) частотасини кўрсатиб, терминни учраш ва бирикиш частоталарини пропорциялашга олиб келди, натижада мақолаларнинг кириш қисми корпуснинг материали унинг репрезентативлигини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан эканлиги маълум бўлди.

Ўз навбатида, лингвистик таҳлилларга мўлжалланган махсус дастурий таъминотлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида мазкур бобнинг “Дастурий таъминотлар, қурилмалар ва дастгоҳлар” номли бўлимида корпус яратувчи AntCorGen ва яратилган корпусни лингвистик тадқиқоларни амалга оширишда AntConc, калит (*keywords*) ва терминларни (*terms*) ажратиб олишда Sketch Engine, сўз бирикмаларни визуализациялаштиришда LancsBoxнинг GrapColl қурилмаси қўлланилиб, муҳандислик терминларини табиий тил манбаларидан автоматик тарзда таҳлил қилиниш механизмини яратиш мақсадида ушбу компьютер дастурлар функцияларининг комбинациясидан фойдаланганлиги тўғрисида сўз юритилган.

“Муҳандислик терминларнинг корпусда лингвостатистик тадқиқи ва натижалари” деб номланган учинчи бобида муҳандислик терминларининг корпусдаги *ички элементлар* – қурилма, дастгоҳлар, статистик ўлчовлар ҳамда *ташқи элементлар* – математик моделлаштириш, лингвостатистик усулларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиниши корпусда маълум механизмга асосланган тизимли тадқиқни, яъни эмпирик тадқиқотнинг бир бутун моделини – **муҳандислик терминларини тизимлаштиришда автоматлаштирилган статистик-интеллектуал моделини** ҳосил қилди. Тадқиқот жаҳон тилшунослари тажрибаларининг лингвостатистик усулининг комбинацияси асосида ўтказилган квантитатив ва квалификатив усуллардаги таҳлиллардан, кузатув ва экспериментлардан иборат бўлди.

Бобнинг “Лингвостатистик таҳлиллар квантитатив-систем ва квалификатив-систем тадқиқотлар асоси сифатида” деб номланган биринчи бўлимидаги систем тадқиқ - лингвостатистик усулларнинг ихтисослаштирилган корпусда муҳандислик терминларининг лингвистик ва статистик усулларнинг комбинацияси квантитатив ва квалификатив натижаларнинг самарадорлигини таъминлаб, тадқиқот қиймати ва салмоғини белгилаши тўғрисида И.А.Бодуэн де Куртене ва Ф.Де Соссюрлар, Ф.Перри, Р.Кобрин, В.Захаров Г.Мельниковларнинг фикр ва қарашлари асосида лингво-статистик усул корпус таҳлилида соҳа терминларини намоён этишда лингвистик сигналлар, навигатор шаблонлар ва статистик ўлчовлар қўлланилиши тўғрисида бўлиб, муҳандислик терминларини корпусда намоён этишда қўлланадиган Дж. Пеарсон ва Д.Кристалларнинг тажрибалари асосида *олтита навигатор шаблонлар* ва шу шаблонларда қўлланиладиган корпусдаги ҳар бир муҳандислик домени учун *навигацион лингвистик сигналлар* ишлаб чиқилди. Шу билан бирга статистик ўлчовларнинг ўринли қўлланилиши коллокацияларнинг ассоциацияланиш хусусиятларга кўра соҳа терминларини ва терминологик коллокацияларни намоён қилувчи махсус *MI* ва *Log-Likelyhood* статистик ўлчовлари танланди.

